O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №



# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: Info@xs.uz • 2008 йил 26 ноябрь, № 230 (4640) Чоршанба

# ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 25 ноябрь куни Оқсаройда Россия Федерациясининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Фарит Мухаметшинни ваколат муддати тугаши муносабати билан қабул қилди**



Мамлакатимиз раҳбари элчининг Ўзбекистондаги фаолиятига юқори баҳо бериб, келгуси ишларига муваффақият тилади.

Дарҳақиқат, Ф. Мухаметшин элчилиги даврида Ўзбекистон — Россия муносабатлари янги, юқори босқичга кўтарилди. 2005 йили мамлакатларимиз ўртасида Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартнома имзоланганида ҳамкорликка ана шундай юксак баҳо берилган эди. Бу ҳужжат икки томонлама алоқалар баробарида халқаро майдондаги ҳамжиҳатликни ҳам мустаҳкамлашда муҳим ҳуқуқий асос вазифасини ўтамоқда.

Бугунги кунда Ўзбекистон ва Россия барча соҳаларда ўзаро муносабатларни изчил ривожлантирмоқда. Икки мамлакат ўртасида олий даражадаги мулоқотлар мунтазамлик касб этган. Ҳукумат, парламент, вазирлик ва идоралар делегацияларининг ўзаро ташрифлари, бизнес вакилларининг учрашув ва анжуманлари муттасил давом этмоқда, минтақалараро ҳамкорлик фаоллашиб бормоқда.

Мутахассисларнинг фикрича, сўнгги беш йилда ўзаро товар айирбошлаш ҳажми ўн баробар юксалган, жорий йил охирида 4 миллиард АҚШ долларидан ошиши кутилмоқда. Юртимизда россиялик ишбилармонлар билан ҳамкорликда етти юздан зиёд қўшма корхона тузилган, Россиянинг 145 компанияси ўз ваколатхонасини очган.

Сармоявий соҳадаги ҳамкорлик ҳам жадал ривожланмоқда. 2007 йилнинг ноябрида «Лукойл» компанияси билан биргаликда Бухоро вилояти ҳудудидаги «Хаузак» газ кони ишга туширилганини таъкидлаш жоиз. «Қандим» конини ўзлаштиришни йўлга қўйиш борасида ҳамкорликда иш олиб борилмоқда.

Мамлакатларимиз ахборот-коммуникация технологиялари, авиасозлик, коинотни тадқиқ этиш каби ўта мураккаб соҳаларда ҳам фаол ҳамкорлик қилиб келмоқда.

Гуманитар ҳамкорлик борасида олий таълим муассасаларининг алоқалари ривожланиб бораётганини, Ўзбекистонда нуфузли Россия олий ўқув юртларининг филиаллари очилганини, маданият ва санъат намояндаларининг фестиваль, кўргазма ва гастролларини ташкил этиш анъана шаклини олганини қайд этиш ўринлидир.

Ф. Мухаметшин Ўзбекистондаги фаолияти давомида яхши мактаб ўтаганини, мамлакатимизда кечган йилларини унутмаслигини, бу вақт давомида юртимизда Президент Ислом Каримов раҳбарлигида мисли кўрилмаган ўзгаришлар рўй берганига гувоҳ бўлганини алоҳида таъкидлади. Ислом Каримовнинг Ўзбекистон — Россия муносабатлари ривожига улкан ҳисса қўшганини қайд этиб, самимий қабул учун Президентимизга миннатдорлик билдирди.

**(ЎзА).**

**Сарвар ЎРМОНОВ олган сурат.**



# ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

***25 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисни Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери Д. Тошмуҳамедова олиб борди. Депутатлар Қонунчилик палатасининг Кенгаши томонидан таклиф этилган кун тартибини тасдиқладилар.***

Депутатлар Ўзбекистон Республикаси молия вазири ўринбосари М. Мирзаевнинг Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2008 йил тўққиз ойидаги ижроси якунлари тўғрисидаги ахборотини тингладилар. Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитасининг раиси А. Аҳадов ушбу масала бўйича қўшимча маъруза билан сўзга чиқди.

Мамлакат асосий молиявий ҳужжатининг ижроси тўғрисидаги ҳисоботни кўриб чиқиш чоғида барча сиёсий партиялар фракцияларининг вакиллари сўзга чиқдилар. Депутатлар ҳисобот даврида мамлакат иқтисодиётини ривожлантириш давом эттирилганлигини, бюджет-солиқ сиёсати хўжалик юритувчи субъектлар зиммасидаги солиқ юкини камайтиришда бюджетнинг даромад ва харажат қисмлари мувозанатлаштирилишини таъминлашга қаратилганлигини, иқтисодий ўсиш ижтимоий муаммоларни муваффақиятли ҳал этишга кўмаклашганлигини таъкидладилар. Қонунчилик палатаси Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2008 йил тўққиз ойидаги ижроси якунларини тасдиқлади ва тегишли қарор қабул қилди.

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) фаолияти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси раисининг ўринбосари И. Толибов тақдим этди. Мазкур қонун лойиҳасининг моддама-модда муҳокамаси чоғида депутатлар Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан жорий йилнинг май ойида қабул қилинган Фармон билан тасдиқланган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган Тадбирлар дастурини амалда рўёбга чиқариш доирасида парламент омбудсманининг фаолиятининг ҳуқуқий базасини аниқ мақсадни кўзлаган ҳолда такомиллаштириш муҳимлигини таъкидладилар. Киритилаётган ўзгартиш ва қўшимчалар Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари ҳамда эркинликларини ҳимоя қилишнинг бутун тизимини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш мақсадида давлатимиз томонидан кўрилаётган чора-тадбирларнинг бир қисмидир. Муҳокама чоғида киритилган таклифларни ҳисобга олган ҳолда Қонунчилик палатаси Қонунни қабул қилди.

Депутатлар Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитасининг аъзоси Б. Дадабоев томонидан тақдим этилган «Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 14-моддасига ўзгартиш киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳасини ҳам кўриб чиқдилар. Ушбу қонуннинг қабул қилиниши Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузурида Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат Фонди, шунингдек, мазкур Фонд маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссиясининг ташкил этилиши билан боғлиқдир. Қонунда ижтимоий буюртмани жойлаштириш қоидаларини такомиллаштириш назарда тутилади. Бўлиб ўтган муҳокама чоғида барча сиёсий партиялар фракцияларининг вакиллари сўзга чиқиб, қонун лойиҳасини такомиллаштиришга доир таклифлар киритдилар. Киритилган таклифларни ҳисобга олган ҳолда, Қонунчилик палатаси Қонунни қабул қилди ва у маъқуллаш учун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенатига юборилади.

**(ЎзА).**

## Олий Мажлис Сенатининг ўн олтинчи ялпи мажлиси олдидан

Бугун мамлакатимизда суғурта хизматининг аҳамияти тобора ошмоқда. Чунончи, фуқароларнинг бевосита манфаатларига хизмат қиладиган янги суғурта турлари турмушимизга жорий этилаётир ва аҳоли орасида янада оммалашаётир. Бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликлари, транспорт воситаларини мажбурий суғурталаш тизими йўлга қўйилди. Қолаверса, давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан аҳолига суғурта хизматларини кўрсатиш соҳаси тубдан ислоҳ этилмоқда. Парламент юқори палатасининг ўн олтинчи ялпи мажлиси кун тартибига киритилган "Суғурта фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни борасида ҳам шундай фикрни айтиш мумкин. Мухбиримиз ушбу ҳужжат хусусида Олий Мажлис Сенати аъзоси Парда МАДИЕВ билан суҳбатлашди.

# СУҒУРТА ФАОЛИЯТИ ТАКОМИЛЛАШУВИ — ДАВР ТАЛАБИ

**— Парда Чориевич, амалдаги "Суғурта фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритишга қандай зарурат туғилди?**

— Хабарингиз бўлса, жорий йил 21 майда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Суғурта бозорини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори қабул қилинган эди. Айнан мана шу қарорнинг ижросини рўёбга чиқариш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси томонидан мазкур қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Қарорнинг 3-бандига кўра, суғурталовчилар қимматли қоғозлар бозорида инвестицион воситачи сифатида профессионал фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқига эга. Бунда суғурталовчиларнинг кўрсатилган фаолият турини амалга ошириш учун лицензия олиши талаб қилинмайди. Мана шундай имконият берилиши муносабати билан "Суғурта фаолияти тўғрисида»ги Қонуннинг 6¹-моддаси биринчи қисми мана шу ҳуқуқни эътироф этадиган норма билан тўлдирилмоқда.

Айтиш жоизки, бундай ҳуқуқ Буюк Британия, Франция, Япония, Чехия, Ҳиндистон, Қозоғистон ва Беларусь Республикаси қонунчилигида ҳам суғурталовчиларга берилган.

**— Қонунда, шунингдек, махсус ваколатли давлат органи суғурталовчининг, суғурта брокерининг раҳбарига ва бош бухгалтерига қўйиладиган малака талабларини белгилаши назарда тутилмоқда. Айтинг-чи, бу нимани англатади?**

— Гарчи миллий қонунчиликда махсус ваколатли давлат органининг ваколатлари белгилаб қўйилган эса-да, чет эл қонунчилик тизими, шу билан бирга, Халқаро суғурта назорати органлари ассоциацияси тавсиялари ўрганилганда, айрим ваколатлар кўзда тутилмаганлиги аён бўлади. Хусусан, Россия, Франция, Япония, Руминия, Чехия, Ҳиндистон, Қозоғистон ва Беларусь Республикаси қонунчилигида суғурталовчилар томонидан суғурта фаолияти тўғрисидаги қонунчилик меъёрлари бузилганда махсус ваколатли давлат органига уларга нисбатан жарима қўллаш ваколати берилган.

(Давоми 2-бетда).

# ИТАЛИЯЛИК САЙЁҲЛАРНИНГ ЎЗБЕКИСТОНГА ҚИЗИҚИШИ ОРТМОҚДА

## Италиянинг Пестум шаҳрида XI Халқаро сайёҳлик ярмаркаси бўлиб ўтди

ЮНЕСКО шафелигида Жаҳон сайёҳлик ташкилоти ва Италия ҳукумати томонидан ташкил этилган анжуманда дунёнинг 37 мамлакатидан 200 дан зиёд сайёҳлик агентликлари ва компаниялари қатнашди. Тўрт кун давом этган ярмаркага 40 мингдан зиёд киши ташриф буюрди.

Мамлакатимизнинг Италиядаги элчихонаси иштирокида мазкур нуфузли халқаро ярмаркада Ўзбекистоннинг сайёҳлик салоҳияти акс эттирилган павильон ташкил этилди. Унда кўп сонли меҳмонлар, жумладан, археология соҳасида фаолият юритувчи италиялик ва хорижий экспертлар, сайёҳлик агентликлари вакиллари ҳамда Италия олий ўқув юртлари ўқитувчи ва талабалари иштирок этиб, «Тошкент — Ватан юраги, Ўзбекистон тимсоли», «Ўзбекистон Республикасининг сайёҳлик салоҳияти» мавзуларидаги тақдимотларга катта қизиқиш билдирдилар.

Иштирокчиларга «Тошкент Ислом тамаддунининг гавҳари», «Ўзбекистонга таклиф этамиз» каби ҳужжатли фильмлар намойиш этилди, «Ўзбектуризм» миллий компанияси томонидан тайёрланган Ўзбекистоннинг маданий-тарихий ва сайёҳлик салоҳияти ҳақидаги қизиқарли маълумотлар тўпламлари тарқатилди.

ЮНЕСКО ишлари бўйича Италия миллий комиссияси раиси Ф. Карузо Ўзбекистон тарихий-маданий қадриятларни тиклаш ва ривожлантириш, қадимий ёдгорликларни реставрация қилиш давлат сиёсати даражасига кўтарилган давлатлар сафига киради, дея таъкидлади.

**Биз ва дунё**

— Шу маънода, Самарқанд, Бухоро, Хива, Тошкент ва Ўзбекистоннинг бошқа шаҳарларидаги бебаҳо тарихий меъморий обидаларни асраб-авайлаш ҳамда қайта тиклаш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар таҳсинга сазовордир, — дейди дунёга машҳур қўшиқчининг фамилиядоши Ф. Карузо.

Гроссето провинциясининг сайёҳлик масалалари бўйича раҳбари Ч. Таккони хонимнинг таъкидлашича, ноёб осориатиқалар ҳамда сайёҳлик инфратузилмасининг доимий равишда ривожланиб бориши Ўзбекистонга саёҳат қилиш истагида бўлган италиялик сайёҳлар сонининг ўсиб боришига хизмат қилмоқда.

Тақдим этилган маълумотлар ҳамда намойиш этилган фильмлар иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди. Жумладан, Ўзбекистоннинг тарихи ва бугунги ривожланиши, юртимизнинг маданий-тарихий ёдгорликлари, хорижий сайёҳлар учун яратилган шарт-шароитлар уларга жуда маъқул бўлди. Ўзбек халқ амалий санъати усталарининг асарлари ҳам юртимиз павильонига ташриф буюрган меҳмонларнинг эътиборини тортди.

Болгария, Греция, Миср, Исроил, Ҳиндистон, Туркия ва Италиянинг йирик сайёҳлик компаниялари ўзбекистонлик ҳамкасблар билан ҳамкорликни йўлга қўйиш ва мамлакатимизда ташкил этиладиган сайёҳлик ярмаркаларида иштирок этишдан манфаатдор эканлигини маълум қилди.

**«Жаҳон» АА.**
Рим

# Қишлоқда қўшма корхона

***Оқдарё туманидаги Бошдархон қишлоғида «Ост-Фуд» Ўзбекистон — Лихтенштейн қўшма корхонаси ишга туширилди. Корхонада тайёрланган дастлабки 315 тонна гигроскопик оқартирилган пахтанинг 133 тоннаси Россияга экспорт қилинди.***

**Яхши хабар**

— Мамлакатимизда гигроскопик оқартирилган пахта ишлаб чиқарувчи корхоналар саноқли, — дейди унинг ижрочи директори Бахтиёр Вапоев. — Тиббиётда фойдаланиладиган бундай маҳсулот ниҳоятда харидоргир. Ҳозирча пахтани хом ашё сифатида сотаяпмиз. Куни кеча цехлардан бирига Германиядан келтирилган пахта титиш ва ишлов бериш ускуналари ўрнатилди. Улар ёрдамида янги йилдан бошлаб хом ашё тайёр маҳсулотга айлантирилади.

**Абдурасул САТТОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

**8 декабрь – Ўзбекистон Республикаси Конституцияси куни**




# ХОТИН-ҚИЗЛАР ҲУҚУҚЛАРИ ДОИМИЙ ҲИМОЯДА

***Мамлакатимизда хотин-қизларнинг мавқеини янада юксалтириш, давлат ва жамият ҳаётидаги фаол иштирокини таъминлаш, оила, оналик ва болалик манфаатларини ҳимоялаш масалалари давлатимиз раҳбари юритаётган сиёсатнинг муҳим йўналишларидан бири сифатида белгиланган.***

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси томонидан ташкил этилган «Хотин-қизлар ҳуқуқлари — давлат ҳимоясида» мавзуидаги давра суҳбатида шу ҳақда сўз борди. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 16 йиллиги ҳамда Президентимиз Ислом Каримовнинг 2008 йил 1 май куни имзолаган «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган Тадбирлар дастури тўғрисида»ги Фармонида белгиланган вазифалар ижросига бағишланган ушбу тадбирда Ўзбекистон

(Давоми 2-бетда).

# КОЛЛЕЖЛАР СОНИ ОРТМОҚДА

БИР РАҚАМ ШАРҲИ

***2008 йилнинг тўққиз ойи мобайнида мамлакатимизда***



**149 та**

**касб-ҳунар коллежининг муҳташам бинолари қурилиб, фойдаланишга топширилди.**



Ижтимоий мақсаддаги объектларни, шу жумладан, уй-жой-коммунал соҳаси инфратузилма объектларини кенг кўламда қуриш ва реконструкция қилиш ишларини юқори суръатларда амалга ошириш ҳисобига минглаб ўқувчилар янги кошоналарда ўқиш бахтига муяссар бўлдилар.

Олий Мажлис Сенатининг ўн олтинчи ялпи мажлиси олдидан

# СУҒУРТА ФАОЛИЯТИ ТАКОМИЛЛАШУВИ — ДАВР ТАЛАБИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Бундан ташқари, Франция, Чехия, Руминия, Қозоғистон ва Беларусь Республикасида суғурталовчиларнинг ва суғурта брокерларининг раҳбарларини ва бош ҳисобчиларини тайинлашда махсус ваколатли орган билан келишиш бўйича нормалар белгиланган. Амалдаги "Суғурта фаолияти тўғрисида»ги Қонуннинг 10-моддасига кўра, махсус ваколатли давлат идораси суғурталовчининг ижро этувчи органи раҳбарларига ва бош бухгалтерига қўйиладиган, ижро этилиши мажбурий бўлган малака талабларини белгилаши назарда тутилган. Янги Қонун эса мазкур малака талабларини янада аниқлаштиради.

Эндиликда суғурталовчилар, суғурта брокерларининг раҳбарлари ва бош ҳисобчилари лавозимларига тавсия этилаётган номзодлар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган Суғурталовчининг ижро этувчи органи раҳбари ва бош бухгалтерига қўйиладиган малака талаблари тўғрисидаги Низомда кўзда тутилган талабларга мос келган тақдирда тайинланади ёки сайланади.

Яна шуни алоҳида қайд этиш керакки, суғурта фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатлари, шу жумладан, мавжуд иқтисодий нормативлар суғурталовчи томонидан бузилса, махсус ваколатли давлат органи тегишли чораларни кўради. Чунончи, суғурталовчининг устав фонди энг кам миқдорининг 0,1 фоизигача ҳажмда жарима солади. Бу сенаторлар эътиборига ҳавола этилаётган Қонунда ўз аксини топган.

Амалдаги Қонунга биноан, суғурталовчилар устав фондининг энг кам миқдори Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади. Янги Қонунга кўра, ушбу миқдор қонун ҳужжатлари билан белгиланиши кўзда тутилмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, "Суғурта фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни мамлакатимизда суғурта фаолиятини янада такомиллаштиришга, истеъмолчилар ҳуқуқларини самарали ҳимоялашга хизмат қилади.

**Қ. ХИДИРОВ суҳбатлашди.**



***Кеча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитасида бир қатор вазирлик ва идоралар раҳбарлари иштирокида Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2008 йил 9 ойидаги ижросига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.***

# ИЖТИМОИЙ СОҲАЛАР УСТУВОРЛИГИ

**Парламентдаги мухбиримиз хабар қилади.**

Унда мамлакатимизда фан, таълим, маданият ва спорт соҳаларида амалга оширилаётган чуқур ва изчилислоҳотлар, эришилаётган ютуқлар Президентимиз раҳбарлигида юритилаётган оқилона сиёсатнинг маҳсули эканлиги алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Йиғилиш чоғида ёшларнинг таълим-тарбияси давлатимизнинг доимий эътиборида эканлиги, 2008 йил учун тасдиқланган Давлат бюджетининг 30,7 фоизи халқ таълими соҳасига йўналтирилгани ва бу кўрсаткич ижтимоий соҳага йўналтирилган жами маблағнинг катта қисмини ташкил этиши иштирокчиларнинг диққат-эътиборида бўлди. Айни вақтда мамлакат бўйича жами 1877 та мактабни қуриш, капитал ва жорий таъмирлаш режалаштирилган бўлиб, ҳозирги пайтда бу ишларнинг аксарияти бажариб бўлингани айтилди.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури доирасида академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари учун замонавий ўқув-лабораториялари, ишлаб чиқариш ва компьютер ускуналарини харид қилишга 8,2 миллиард сўм, кутубхона фондларини керакли дарслик ва адабиётлар билан тўлдиришга 1,9 миллиард сўм сарфлангани ҳақидаги маълумотлар ҳам йиғилиш иштирокчилари эътиборига ҳавола қилинди.

Шунингдек, фанни ривожлантиришга 20,5 миллиард сўм, жумладан, илмий тадқиқот лойиҳаларини амалга ошириш учун 17,5 миллиард сўм, илмий тадқиқот ишлари олиб борувчи аспирант ва докторантларнинг стипендиялари ҳамда уларнинг илмий раҳбарлари учун жами 1 миллиард сўмдан ортиқ маблағ йўналтирилганлиги таъкидланди.

Тадбир иштирокчилари бюджет маблағларини сарфлаш чоғида йўл қўйилган камчиликлар, уларни бартараф этиш масалаларига ҳам тўхталишди.

Муҳокама қилинган масалалар бўйича тегишли қарор қабул қилинди.

Халқаро анжуман:

# БИОЛОГИК УСУЛ АФЗАЛЛИКЛАРИ

**Шу куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология қўмиталари Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳамда Тошкент давлат аграр университети билан ҳамкорликда ташкил этган "Қишлоқ хўжалигида ўсимликларни зарарли организмлардан ҳимоя қилишнинг биологик усулларини қўллаш истиқболлари" мавзуидаги уч кунлик халқаро илмий-амалий конференция иш бошлади.**

Анжуманнинг асосий мақсади экология хавфсизлигини таъминлаш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини зараркунандалардан асрашда биологик усулни қўллашнинг аҳамиятини кўрсатиб бериш, шу соҳадаги янги лойиҳалар, илмий тадқиқотлар натижаларини олимлар эътиборига ҳавола этишдан иборатдир.

Тадбирда қишлоқ хўжалиги ўсимликларини зарарли организмлардан ҳимоя қилишда биологик усулларни қўллаш борасида тўпланган халқаро тажрибани ўрганиш ва уни қишлоқ хўжалигига жорий этиш амалиётини ўзлаштириш муҳим аҳамият касб этиши иштирокчилар томонидан алоҳида айтиб ўтилди. Чунки дунёда бу борада катта тажриба тўпланган бўлиб, уни юртимиз қишлоқ хўжалигига жорий этиш яхши натижаларни бериши, шубҳасиз.

Халқаро конференция иштирокчилари, шу жумладан, ёш тадқиқотчилар уч кун давомида соҳада тўпланган халқаро тажриба билан танишиш, ўз лойиҳаларини етакчи мутахассислар назаридан ўтказиб олиш имкониятига эга бўлишади.

**З. ХУДОЙШУКУРОВ.**

# ВАТАНГА САДОҚАТ ИФОДАСИ

***Бугун осмонимиз мусаффо, халқимиз, юртдошларимиз тинч ва осойишта замонда яшамоқдалар. Бу тинчлик ва осойишталикни таъминлашда аскарларнинг, хусусан, чегарачиларнинг хизматлари беқиёс.***

Истиқлол йилларида Президентимиз раҳнамолигида замонавий, қудратли, ҳеч бир давлатнинг армиясидан қолишмайдиган Қуролли кучларга эга бўлдик. Энг муҳими, ўғлонларимиз Амир Темур, Жалолиддин Мангуберди ва яна ўнлаб саркардаларимиз каби жасорат ва фидойилик намуналарини кўрсатмоқдаларки, бу кишини беихтиёр фахрлантиради...

**Бурч**

Шу кунларда ана шундай фахр ва ифтихоримиз рамзи — мамлакатимиз Қуролли кучларининг барча бўлинмаларида аскарларнинг ҳарбий қасамёд маросимлари бўлиб ўтди. Жумладан, Миллий хавфсизлик хизматига қарашли Чегара қўшинлари таркибидаги ҳарбий қисмларнинг бирида ҳам ана шундай тадбир ўтказилди.

Мазкур қисмга қарашли ўқув марказида аскарлар, уларнинг ота-оналари ва бошқа меҳмонлар жам бўлган. Аскарларнинг сафда виқор билан юриши, бошлиқларнинг кўрсатмаларини маромида бажараётганликлари йиғилганлар эътиборини тортмасдан қолмади.

— Кузги чақириқ аскарларини 40 кун давомида жисмоний ва руҳий жиҳатдан чегарачиликка тайёрладик, — дейди ўқув маркази бошлиғи А. Исмоилов. — Асосий мақсадимиз Чегара қўшинлари учун шахсий таркибни тарбиялаб беришдан иборат. Бу сафарги шогирдларимиз ҳам мамлакатимиз чегараси дахлсизлигини сақлашда фидокорлик кўрсатиб, ишончимизни оқлайди. Йигитларнинг барчаси муқаддас ҳарбий қасамёдга муносиб. Эрта-индин улар Ватанимиз сарҳадларини қўриқлашга киришадилар. Бу йўлда уларга куч-ғайрат тилайман.

Ниҳоят, аскарлар ва уларнинг ота-оналари ҳаяжон билан кутган дамлар — ҳарбий қасамёд бошланди: «... халқимга, Президентимга садоқат билан хизмат қилишга қасамёд қиламан...»

— Гарчи, пухта ҳозирлик кўрган бўлсак-да, юксак масъулиятни зиммамга олаётганимдан ҳаяжонландим, — дейди оддий аскар А. Усмонов. — Бу қасамёд қилаётганимда ҳам сезилиб турди.

Ота-оналарнинг ҳаяжони аскарларникидан кам эмасди.

— Мен аскар С. Мамасолиевнинг онасиман, — дейди андижонлик З. Қорабоева. — Ўғлимни ҳарбий либосда кўриб жуда фахрланиб кетдим. Унинг бошқа ўртоқлари қаторида ҳақиқий чегарачи бўлишини истайман. Шунда у бизнинг, Ватанимизнинг, ҳукуматимизнинг ишончини оқлаган бўлади. Аслида, инсон учун Ватан ишончини оқлашдан кўра улуғроқ бахт йўқ.

Аскарлар галма-галдан қасамёд қилдилар. Шундан сўнг уларни захирадаги ҳарбийлар, офицерлар ва бошқа меҳмонлар муборакбод этишди.

— Бир пайтлар ўзбеклардан чегарачилар йўқ ҳисобида эди, — дейди 83 ёшни қаршилаган захирадаги генерал-майор А. Ортиқбоев. — Мустақиллик бизга ўз чегара қўшинларимизни шакллантириш имконини берди. Шунинг учун шукрона айтишимиз керак. Негаки, сиз, фарзандларимиз ўз юртимиз чегарасини қўриқлашдек бахтга муяссар бўлиб турибсиз. Ахир йигит киши учун бундан ортиқ шараф борми?! Сиз каби чегарачиларимиз бор экан, Ватанимиз чегараси дахлсизлиги таъминланаверади. Қолаверса, юрт чегараси муқаддасдир! Кекса бир чегарачининг бу панд-насиҳатларини асло эсдан чиқарманг!..

Тантанали маросим маданий тадбирлар билан давом эттирилди.

**Ш. ХОЛТЎРАЕВ.**

(Давоми. Боши 1-бетда).

Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, сиёсий партиялар вакиллари, бир қатор вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари раҳбарлари, хотин-қизлар қўмиталари фаоллари, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар иштирок этди.

# ХОТИН-ҚИЗЛАР ҲУҚУҚЛАРИ ДОИМИЙ ҲИМОЯДА

Мамлакатимизда хотин-қизларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини таъминлаш борасида изчиллик билан амалга оширилаётган эзгу ишларнинг ҳуқуқий асоси Бош қомусимизда ўзининг ёрқин ифодасини топгандир. Инсоннинг, жумладан, хотин-қизларнинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли ҳимоя қилинишини таъминлайдиган миллий қонунчилигимиз меъёрлари эса Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг қоидаларига ҳамоҳанг экани билан аҳамиятлидир.

Давлатимиз раҳбарининг 2004 йил 25 майда қабул қилинган «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони хотин-қизларнинг саломатлигини сақлаш, уларни иш билан таъминлаш, тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш, ижодий-интеллектуал салоҳиятини юзага чиқаришда муҳим омил бўлмоқда.

Тадбирда мустақиллик йилларида хотин-қизлар ҳуқуқларини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ислоҳотлар бераётган юксак самаралар, хотин-қизлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг халқаро ва миллий тизимлари, хотин-қизларнинг сиёсий жараёнларда тутган ўрни каби мавзуларда маърузалар тингланди ва муҳокама этилди.

Давра суҳбатида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси Ф. Акбарова сўзга чиқди.

**Назокат УСМОНОВА, ЎзА мухбири.**

# «МИНОКОР»НИНГ ХАРИДОРГИР КОШИНЛАРИ



Мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида изчил амалга оширилаётган ислоҳотлар иқтисодиётнинг барча тармоқларида, жумладан, қурилиш материаллари ишлаб чиқаришда ҳам ўзининг юксак самараларини бермоқда.

**Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган**

Бухородаги "Минокор" масъулияти чекланган жамияти қурилишбоп материал етказиб берувчи корхоналардан бири ҳисобланади. Бу ерда сирланган кошин ишлаб чиқариш борасида катта тажриба тўпланган. Корхонага Италиянинг замонавий технологик линиялари ўрнатилган.

Жамият бош муҳандиси Бўстон Мўминовнинг айтишича, корхонада ойига ўртача 6 минг квадрат метр ҳажмда маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда. Бу қурилиш материаллари нафақат Бухоро, балки Хоразм, Навоий, Қашқадарё вилоятларидаги мижозларга ҳам етказиб берилаяпти.

Сирланган кошин, асосан, маҳаллий хом ашёдан тайёрланаяпти. Кимёвий компонентларнинг айрим турларигина хориждан келтирилмоқда.

Ҳозир корхонада 51 киши меҳнат қилаяпти. Уларга барча шароитлар яратилган. Тадбиркорлар тез орада чинни буюмлар ишлаб чиқаришни ҳам йўлга қўйишмоқчи.

**Истам ИБРОҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**
**СУРАТДА: жамият ҳаётидан лавҳа.**
**Бахтиёр АКРАМОВ олган сурат.**

***Тошкент давлат иқтисодиёт университетида «Ўзбекистон иқтисодиёти: эришилган ютуқлар, муаммолар ва ривожланиш истиқболлари» мавзуида республика илмий-амалий анжумани бўлиб ўтди.***

# ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТ ТАҲЛИЛИ

Унда Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат мулки қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси, "Ўзулгуржисавдо" акциядорлик компанияси масъул ходимлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институти ҳамда юртимиздаги бошқа олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчилари, шунингдек, талаба-ёшлар иштирок этди.

**Тадбир**

Анжуман аввалида мустақиллик йилларида қўлга киритилган ютуқлар, иқтисодиётимизни янада ривожлантириш ва аҳоли турмуши фаровонлигини оширишга бағишланган маърузалар тингланди. Шундан сўнг иштирокчилар секцияларга бўлинган ҳолда муҳокамага киришдилар.

Таъкидландики, давлатимиз раҳбарининг ташаббуси ва бевосита раҳбарлиги остида олиб борилаётган изчил ислоҳотлар туфайли мамлакатимиз иқтисодиёти тобора юксалиб бораяпти. Соҳа тармоқларини ривожлантиришга қаратилаётган алоҳида эътибор, хусусан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ҳаракатининг қўллаб-қувватланаётгани, реал секторга хориж инвестицияси жалб этилаётгани ва модернизациялашнинг жадал олиб борилаётгани бунда бош омил бўлаётир. Зотан, ислоҳот ва ўзгаришларнинг бош мақсади инсон манфаатлари, аҳоли турмуш даражасини оширишга қаратилгани билан ҳам аҳамиятлидир.

**С. РАҲМОНОВ.**

Элликқалъа туманида "Микрокредитбанк" акциядорлик тижорат банкининг Президентимиз томонидан жорий йил 10 ноябрда имзоланган "Микрокредитбанк" акциядорлик тижорат банкининг тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш борасидаги фаолиятини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони юзасидан амалга ошириладиган ишлар ҳамда кўрсатилаётган замонавий банк хизматлари мавзуида кўргазмали семинар ташкил этилди.

# МАҚСАД — ТАДБИРКОРЛИКНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ

Эътироф этиш керакки, "Микрокредитбанк"нинг биргина Қорақалпоғистон Республикаси филиали томонидан мингдан ортиқ тадбиркорлик субъектига 3,5 миллиард сўм миқдорида имтиёзли микрокредит ва 1,5 миллиард сўмга яқин микролизинг хизматлари кўрсатилди. Натижада 2008 йилнинг ўтган ойлари давомида ажратилган кредитлар ҳисобига 2750 тадан ортиқ янги иш ўринлари яратилди.

**Семинар**

Анжуманда Қорақалпоғистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси, "Камолот" ЁИҲ ва бошқа бир қатор жамоат ҳамда давлат ташкилотлари вакиллари юртимизда тадбиркорликка ажратилаётган микросармоялар асосида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари борасидаги фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашдилар.

Шунингдек, семинар доирасида банкнинг Қорақалпоғистон Республикаси филиали томонидан берилган микрокредитлар ва кўрсатилган микролизинг хизматлари эвазига кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорлик субъектлари ишлаб чиқараётган халқ истеъмоли моллари кўргазмаси ҳам ташкил этилди.

Худди шу мавзудаги семинарлар Қорақалпоғистоннинг Мўйноқ ва Қўнғирот туманларида, шунингдек, Хоразм, Жиззах, Сирдарё ва Тошкент вилоятларида ҳам бўлиб ўтди.

**Банк матбуот хизмати.**

# ИНСОН МАНФААТЛАРИГА ХИЗМАТ ҚИЛМОҚДА

***Маълумки, мамлакатимиз Президентининг шу йил 1 майда имзоланган "Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган Тадбирлар дастури тўғрисида"ги Фармонида белгиланган вазифалар жойларда изчиллик билан амалга оширилмоқда.***

Мазкур ҳужжат ижроси Қорақалпоғистон Республикасида ҳам юқори даражада таъминлаб келинаётир. Жумладан, декларациянинг мазмун-моҳиятига бағишланган китоб ва журналлар кўргазмаси ёз ойларида мунтазам ўтказиб келинди. Қорақалпоқ давлат университетида бошланган мазкур кўргазмалар барча туман ва шаҳарларда давом эттирилди. Кўргазмалар чоғида минг-минглаб ватандошларимиз ушбу китобларни сотиб олиб, ўзларининг инсон ҳуқуқлари билан боғлиқ билимларини бойитишга эришишди.

Аҳолининг ҳуқуқий билимларини бойитишда Фармонда белгиланган Тадбирлар дастури асосида ўтказиб келинаётган семинар ва давра суҳбатларининг ҳам аҳамияти катта бўлмоқда. Нукус шаҳрида ўтказилган "Фуқаролик жамиятини шакллантириш ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳамда жамоатчилик назоратини амалга оширишда маҳалла институтининг роли" мавзусига бағишлаб ўтказилган давра суҳбатида суд-ҳуқуқ тизимлари, сиёсий партиялар ва жамоат ташкилотлари вакиллари ҳамда маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари иштирок этишди. Албатта, маҳалла раислари давра суҳбати чоғида қўлга киритган билимларини маҳалладошларига етказдилар.

**Фармон ва ижро**

Фармонда адлия идораларига бир қатор вазифалар белгиланган бўлиб, унга кўра, Фармоннинг аҳамияти, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг мазмун-моҳиятини тарғибот-ташвиқот қилиш юклатилганди.

Айтиш керакки, тарғибот-ташвиқот ишларига эътибор кучайтирилди. Яқинда Қорақалпоғистон Адлия вазирлигининг ташаббуси билан Қорақалпоқ давлат университети қошидаги 2-академик лицейда "Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг аҳамияти" мавзуида семинар ўтказилди. Иштирокчилар инсон ҳуқуқлари ҳимоясини акс эттирувчи кўргазмали қуроллар ва қизиқарли маълумотлар билан таништирилди.

Бундан ташқари, семинар доирасидан ўрин олган "Энг яхши ҳуқуқ билимдони" танлови ғолиблари аниқланиб, Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлигининг совғалари билан тақдирландилар. Шунингдек, иштирокчиларга ўзбек тилида чоп этилган "Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси" китобчаси тақдим этилди.

Бир сўз билан айтганда, Президентимиз Фармони ижроси юзасидан Қорақалпоғистон Республикасида амалга оширилаётган ишлар аҳолининг инсон ҳуқуқлари билан боғлиқ билимларини бойитиш ҳамда инсон манфаатларини ҳимоя этишга хизмат қилаётир.

**Даулетбай ХАЛМУРАТОВ, Қорақалпоғистон Республикаси адлия вазири.**

***Тошкентда ўрмон сектори муаммоларини ёритишда оммавий ахборот воситаларининг фаол иштирокини таъминлашга бағишланган тадбир бўлиб ўтди. У БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги масалалари бўйича ташкилоти (ФАО) кўмаги билан "FACILITY" дастури доирасида Ўрмон хўжалиги бош бошқармаси ҳамда "ABU matbuot-consult" компанияси томонидан ташкил этилди.***



# ЯШИЛ ҲУДУД — БОЙЛИГИМИЗ

***уни асраб-авайлашга барча масъул***

Таъкидланганидек, инсон ҳаётида ўрмонлар муҳим аҳамият касб этади. Чунки табиатнинг бу бебаҳо неъмати атроф-муҳит мусаффолигини таъминлаш билан бирга иқтисодиётни ривожлантиришнинг асосий манбаларидан саналади. Шу боис ҳам ўрмонларни асраб-авайлаш, уларни келгуси авлодларга етказиш масаласи бениҳоя муҳимдир.

**Экология**

Истиқлол йилларида мамлакатимизда Президентимиз бошчилигида ўрмончилик соҳасига қаратилаётган эътибор туфайли яшил ҳудуд тобора кенгайиб бораяпти. Маълумотларга қараганда, агар 1991 йили Давлат ўрмон фонди 5 миллион 467 минг гектарни, шу жумладан, ўрмон билан қопланган майдон 1 миллион 819 минг гектарни ташкил этган бўлса, ҳозирги вақтда ўрмон фонди 8 миллион 775 минг гектардан ошиқроққа, ўрмон билан қопланган ҳудуд эса 2,3 миллион гектарга етди.

Ўрмончиликда юзага келадиган турли муаммоларни бартараф этишда халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш, уларнинг тажрибасини ўрганиш масаласига ҳам алоҳида аҳамият қаратилмоқда. Жумладан, БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги масалалари бўйича ташкилоти (ФАО) ривожланаётган давлатларга қишлоқ хўжалиги, ўрмончилик ва балиқчиликни ривожлантиришда кўмак бериб келмоқда. Аҳолини бу борада амалга оширилаётган ишлар, ўрмончилик соҳасидаги янгиликлар, қабул қилинаётган ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмун-моҳияти ва аҳамияти, шунингдек, мавжуд муаммолар ҳамда уларни бартараф этиш йўллари билан кенгроқ таништиришда оммавий ахборот воситалари муҳим ўрин тутади. "FACILITY" дастури доирасида ўтказилаётган тадбирлар айнан шу масалага қаратилган бўлиб, у журналистлар билан ўрмончилик соҳаси мутахассисларининг ўзаро ҳамкорлигини ривожлантиришни кўзда тутади.

Тадбирда иштирокчиларнинг фикр-мулоҳазалари тингланди, муҳокама этилган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

**Шавкат ОРТИҚОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

